

ШОШИЛИНЧ НЕФРОЭКТОМИЯ АМАЛИЁТИДАН КЕЙИНГИ БЕМОРЛАРДА ЛИМФА ТУГУНЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ.

**Раджапов Адилбек Анварбекович., Каримов Расулбек Хасанович.,
Атамуратов Сухроббек Равшанович., Хударганов Илхомбек
Абдурахманович.**

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали.

**Республика ихтисослаштирилган Урология илмий-амалий тиббиёт
маркази Хоразм филиали.**

Республика тез тиббий ёрдам маркази Хоразм филиали.

Мавзунинг долзарблиги: шошилинч нефроэктомия амалиётдан кейинги беморларда лимфа тугунларининг морфологик ўзгаришларини ўрганиш бугунги кунда тиббиёт соҳасида муҳим илмий ва амалий вазифалардан биридир. Нефректомия ўсма ва бошқа ҳосилалар, сурункали буйрак етишмовчилиги ҳамда бошқа патологиялар сабабли бажариладиган жарроҳлик амалиёти бўлиб, у иммун тизимининг ўзгаришларига олиб келиши мумкин. Бу эса лимфоид тўқималарнинг реактив ва патологик ўзгаришларида намоён бўлиши эҳтимоли мавжуд бўлиб, лимфа тугунлари иммун назоратда асосий рол ўйнайди, шунингдек, ўсма ва яллиғланиш реакцияларининг шаклланишида иштирок этади.

Буйрак олиб ташланганидан кейин лимфа тугунларида турли морфологик ўзгаришлар, жумладан, гиперплазия, склерозланиш, макрофаг тизимининг фаоллашуви ва патологик моддалар тўпланиши кузатилиши мумкин. Бундан ташқари, буйракнинг онкологик касалликларида минтақавий лимфа тугунлари метастатик зарарланиш белгиси сифатида аҳамият касб этиши мумкин, бу эса прогноз жиҳатидан муҳимдир.

Шундай қилиб, шошилинч нефректомиядан кейин лимфа тугунлари морфологиясини ўрганиш илмий ва клиник жиҳатдан муҳим бўлиб, организмнинг мослашиш патогенетик механизмларини аниқлаш, диагностик ва прогностик мезонларни белгилаш, шунингдек, даволаш ва реабилитация усулларини оптималлаштиришга ёрдам беради.

Ишнинг мақсади: ишнинг мақсади сифатида Республика ихтисослаштирилган Урология илмий-амалий маркази Хоразм филиалига мурожаат қилган беморларнинг шошилинч нефроэктомия ва ундан кейинги турли касалликларнинг этиологияси, компенсатор-мослашув жараёнилари

характерига қараб, лимфа тугунларининг морфологик ўзгаришлари ўрганилди.

Олинган натижалар: изланишлар давомида жорий йил давомида Республика ихтисослаштирилган Урология илмий-амалий маркази Хоразм филиалига муружаат қилган беморларнинг шошилич нефроэктомиа амалиёти 10 нафар бемордан 8 нафарида нефроэктомиа амалиёти бажарилди ва 2 нафари гемодиализ орқали даволанишга тавсия қилинди. Нефроэктомиа амалиёти бажарилган беморларнинг лимфа тугунлари патологоанатомик текширувдан утказилганда, 8 нафар бемордан 2 нафарида лимфа тугунларининг гиперплазияси, 2 нафарида лимфа тугунларининг фиброз ўзгариши, 4 нафарида лимфа тугунларида гранулёметоз ўзгаришлар аниқланди.

Хулосалар: хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, шошилич нефроэктомиа амалиётидан кейинги беморларда лимфа тугунларининг патологоанатомик текширув ўтказиш, беморнинг умумий ахволини ва касалликнинг тарқалиш даражасини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, касалликни олдини олиш мақсадида соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, мунтазам равишда тиббий кўриклардан ўтиш ва зарарли омиллардан воз кечиш муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов, Р. Х., Мусаев, У. М., Рузметова, Д. Т., & Султанов, Б. Б. (2023, October). ЯТРОГЕНИЯ В НЕОНАТОЛОГИИ (ПО ДАННЫМ ЛЕТ. ОБЗОР). In *International conference on multidisciplinary science* (Vol. 1, No. 3, pp. 76-78).
2. Юлдашев, Б. С., Исмаилов, О., Каримов, Р. Х., & Исмаилов, О. (2023). Хомила ва янги туғилган чақалоқлар мурдасининг суд тиббий экспертизаси (Текшируви). *Ўқув қўлланма: Т.: “О ‘ZKITOBSAVDONASHRIYOTI’ NMIU*, 96.
3. Юлдашев, Б. С., Каримов, Р. Х., & Бекчанов, А. Ж. (2023). COVID-19 ЎТКАЗГАН ЧАҚАЛОҚЛАРДА ПНЕВМОНИЯНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТИ. In *International Scientific and Practical Conference of Students and Young Scientists" Sustainable Development: Problems, Analysis, Prospects"*(Poland) (pp. 26-28).
4. Юлдашев, Б. С., Каримов, Р. Х., & Джуманиязова, Н. С. (2024). ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА ПНЕВМОНИЯ КАСАЛЛИГИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ЧАҚАЛОҚЛАРДА ЛИМФА ТУГУНЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ЎЛИМ САБАБЛАРИ. *AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI*, 3(1), 197-201.
5. Юлдашев, Б. С., Каримов, Р. Х., & Джуманиязова, Н. С. (2024).

COVID-19 ЎТКАЗГАН ЧАҚАЛОҚЛАРДА ЛИМФА ТУГУНЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ (ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ПАТОЛОГИК АНАТОМИЯ ЭКСПЕРТИЗА БЮРОСИ, ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ПЕРИНАТАЛ МАРКАЗИ). *Молодые ученые*, 2(3), 15-16.

6. Турсунов, Х. З., Каримов, Р. Х., Сапаев, Д. Ш., & Сапаев, М. Ф. (2022). Буйрак ва буйрак усти беги касаллиги, уни даволаш усуллари ҳамда асоратлари (адабиётлар шарҳи). *Artikova DO XORAZM VILOYATIDA HOMILADOR AYOLLARDA SIYDIK YO 'LLARI INFEKSIYASINI KECHISHI VA UNGA OLIV KELUVCHI OMILLAR*.